



**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Хўжаева Гулнорахон Ҳусанбой қизи

Фарғона политехника институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6560098>

АННОТАЦИЯ; Мазкур мақолада бугунги кундаги қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаган ҳолда амалга ошираётган туб ислоҳотларимиз, деҳқон ва фермерларимиз олдига энг сўнгги илм-фан ютуқларини пухта ўрганган ҳолда, кўп йиллик бой билим ва тажрибалари билан ушбу соҳани янги босқичга кўтариш масаларидаги фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, жаҳон банки, агробизнес, экспортчилар, инфратузилмалар, модернизация, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш миллий стратегияси.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаган ҳолда амалга ошираётган туб ислоҳотларимиз натижасида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг бош бўғинига айланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтамиз. Муҳтарам Президентимиз томонларидан деҳқон ва фермерларимиз олдига энг сўнгги илм-фан ютуқларини пухта ўрганган ҳолда, кўп йиллик бой билим ва тажрибалари билан ушбу соҳани янги босқичга кўтариш вазифасини қўйдилар. Бу йил мамлакатимиз бўйича 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот, 7,4 миллион тоннага яқин дон, 3,4 миллион тоннадан зиёд пахта хом ашёси, 23 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан ортиқ сут маҳсулотлари, 8,3 миллиард дона тухум, 400 минг тонна балиқ етиштирилгани бобо деҳқонларимизнинг илм-фан билан ушбу соҳага ёндашаётганликларидан далолат беради.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 27 фоизини иш билан таъминловчи қишлоқ хўжалиги самарали давлат сиёсати шароитида мамлакат иқтисодий ўсишининг



асосий омилларидан бири бўлиши мумкин. Мазкур сиёсатнинг самарали амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми ҳамда фермерлар ва агроташкилотлар даромадлари ошади, қишлоқ жойларда минглаб янги иш ўринлари яратилади. Бу ерларда яшаш даражаси кўтарилади, бир қатор озиқ-овқат маҳсулотлари аҳоли учун арzonроқ бўлади ва мамлакат ишончли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлай олади. Бироқ қишлоқ хўжалигини рақобатбардош, шунингдек хусусий сектор, аҳоли ва давлат манфаатлари учун хизмат қиласиган соҳага айлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш керак. Жаҳон банки таҳлиллари ҳозирги кунда мазкур мақсадга эришишнинг беш асосий муаммоси мавжуд эканлигини кўрсатади.

Бу мақолада мазкур муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўлида давлат томонидан олиб борилиши мумкин бўлган эҳтимолий чора-тадбирларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. 2018 йилда Ўзбекистоннинг 70 фоиз экин майдонлари пахта ва буғдой етишириш учун ишлатилган. Охирги бир неча йилларда баъзи ер майдонлари пахта ва буғдой етиширишдан чиқарилди. Лекин қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда унумдорликни ошириш учун ҳозирги кунда мазкур икки маҳсулот экиш учун ишлатилаётган қўшимча майдонлардан кейинчалик бошқа янада фойдали экинларга, хусусан, мева ва сабзавотлар экиш учун фойдаланиш лозим. Жаҳон банки ҳисобкитобларига кўра, Ўзбекистон пахта ва буғдой майдонларини қисқартириш, масалан уларни 50 фоизгача камайтириш қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 51 фоизга, қишлоқ хўжалигида бандликнинг 16 фоизга, сув тежамкорлигининг 11 фоизга ошишига олиб келади. Мазкур ерларни янада даромадли экинлар экишга қанчалик тез ўтказиш керак? Бу жараён босқичма-босқич бўлиши ва қўшни тармоқлардаги ўзгаришлар билан уйғунлаштирилиши лозим. Масалан, мева ва сабзавот етишириш учун ерини қайта тақсимлаш давлатнинг ичида ва унинг божхона чегараларида агрологистикани такомиллаштириш билан бир вақтда содир бўлиши зарур. Бу, ўз навбатида, тез айнийдиган мева-сабзавот маҳсулотларини фермерлардан маҳаллий истеъмолчиларга ва халқаро бозорга тезкор равишда етказиши таъминлайди. Акс ҳолда мева ва сабзавотларни қайта ишлаб чиқаришдан олинган фойда буғдой ва пахта сотишдан



олинган фойдадан кам бўлиб қолади. Ўзбекистонда пахта, буғдой, помидор, картошка, сут ва бошқа маҳсулотларнинг ўртача ҳосилдорлиги уларнинг реал имкониятларидан анча паст. Бу қўрсаткични ошириш нафақат фермер хўжалиги ва агроташкилотлар фойда ва экспортларини оширади, балки ҳозирги кунда буғдой ва пахта билан банд қилинган майдонларни янада фойдали экинлар учун фойдаланишга топшириш имкониятини ҳам яратади.

Ўн йиллар давомида илмий тадқиқотлар ва хизматлар тақдим этилишининг етарлича молиялаштирилмаслиги ҳамда секторни ривожлантириш учун зарур бўлган хизматларни етарлича қўрсатилмаганлиги каби масалалар ҳал қилиниши лозим. 2018 йилда Ўзбекистон ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти даромадининг фақатгина 0,02 фоизини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги изланишларга сарфнади. Шу билан бирга, ҳозирги кунда маҳаллий фермерлар учун ахборот-консултатив хизматлар мутлақо мавжуд эмас. Таққослаш учун, муваффақиятли қишлоқ хўжалигига эга бўлган ўрта даромадли мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 1 фоизини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадқиқотларга учун сарфлайди, кўп даромадли мамлакатлар эса ўртача 2,5 фоиз сарфлайди.

Жаҳон савдо ташкилоти таркибига кириш учун ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳот ва чора-тадбирлар Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан мева-сабзавотларни жаҳоннинг қўпчилик мамлакатларига экспорт қилиш имконини беради.

Мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий масалалардан яна бири — экспорт томонидан тақдим этиладиган имкониятларни амалга оширишда меҳнат ресурсларининг кенг миқёсда иштирок этишини таъминлаш заруриятидир. Ҳозирги кунда мева-сабзавот маҳсулотларининг 60 фоизи катта бўлмаган деҳқончилик хўжаликлари ва уй-жой участкаларида этиштирилмоқда. Лекин уларнинг экспортга йўналтирилган қўшимча даромадли маҳсулот ишлаб чиқариш занжиридаги иштироқи ҳозирча паст бўлиб қолмоқда.



Қишлоқ хўжалик кооперативларининг агробизнес ва экспортчилар билан кооперацияси ва ҳамкорлигини рағбатлантириш бўйича давлат дастурлари ёрдамида юқорида кўрсатилган ишлаб чиқарувчиларнинг мазкур занжирлар билан интеграциялашуви ишлаб чиқариш қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда кичик дехқон ва хусусий мулкдорлар бизнесининг рентабеллигини оширишга ёрдам берган бўлар эди. 2018 йилда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги учун давлат харажатлари ЯИМга нисбатан 1,8 фоизни ташкил этди (2016 ва 2017 йилларда ЯИМнинг 2 фоизини ташкил этган эди).

Масалан, ҳозирги кунда бюджет маблағларининг катта қисми ерларга суғориш сувларини чиқариб бериш учун талаб этиладиган электр энергиясига, сувни пахта ва буғдой ишлаб чиқарувчиларига етқизадиган ирригация тизимини бошқариш ва эксплуатация қилишга сарфланади. Шу билан бирга, суғориш ва мелиорация инфратузилмаларини модернизация қилиш учун жуда оз маблағ сарфланади. Бу шуни англатадики, қисқа муддатда ҳукуматнинг диверсификацияланган қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига хизмат қилиш учун ушбу инфратузилмаларни модернизация қилишга кўпроқ маблағ ажратилиши талаб қилинади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ўта муҳим бўлган кўплаб давлат дастурлари ҳар доим маблағ билан тўлиқ таъминланмай келган. Мазкур дастурларга қишлоқ хўжалигининг амалий тадқиқотлари, билимларни тарқатиш, қишлоқ хўжалик фанларидан таълим олиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини ривожлантириш, ветеринария ва фитосанитария хизматлари, тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш (қишлоқ хўжалиги кооперативлари, кластерлар, самарали шерикчилик муносабатлари), статистик ва бозор маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш, бозор инфратузилмаси ва агрологистикасини ривожлантириш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, сиёсатни таҳлил қилиш, ходимлар малакасини ҳар қандай даражага ошириш ва мониторинг қилиш кабилар киради. Келгусида ушбу дастурлар давлат маблағларининг катта миқдорини талаб этиши мумкин. Дехқон хўжаликлари (кичик дехқонлар) нинг ерга эгалик қилиш ҳукуқлари қонуний ҳимояланган. Бу моддий-техник ресурсларга кўпроқ пул тўлашлари, ўзларининг



кичик ер майдонларида ишлаб чиқаришни механизациялаш қийин бўлса ҳам, нима сабабдан кичик деҳқон хўжаликларида йирик фермер хўжаликларидағига нисбатан ҳосилдорлик ўртачадан юқори эканлигининг асосий сабабларидан биридир.

Шу билан бирга, бир қатор сабаблар билан ва исталган вақтда йирик фермерлар давлатдан ижарага олинган ерларни йўқотиши мумкин. Бу фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш, экинларни жойлаштириш режасини бажармаслик ёки пахта ва ғалла ҳосилини давлат режасига риоя қилмаслиги туфайли содир бўлиши мумкин, бу масъулият маҳаллий ҳокимиёт органларига юкланган. Хитой ва Вьетнам тажрибаси фермерларни рағбатлантиришга ёндашувни қандай ислоҳ қилиш кераклигини кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатларда давлат буюртмаси тизими аллақачон бекор қилинган, бироқ бу қишлоқ хўжалигининг барбод бўлишига олиб келмади. Бу ерда стратегик экинларнинг бир қисмини ишлаб чиқариш экинларни жойлаштириш тизимлари, фермерларга тўғридан-тўғри бюджет тўловлари ҳамда ҳосилдорликни ошириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, шунингдек уларни заараркунанда ва касалликлардан ҳимоялашга қаратилган тегишли давлат дастурлари ҳисобидан рағбатлантирилади. Мазкур ёндашув Ўзбекистондаги мавжуд пахта ва буғдой тайёрлаш бўйича давлат режасини қўллаб-қувватлаш тизимларидан фарқ қиласди. Албатта, юқорида санаб ўтилган вазифалар ва чақириқлар рўйхати етарлича кенг қамровли кўриниши мумкин. Бироқ уларнинг ечимлари тўла ҳаётий бўлиб, қишлоқ хўжалигини модернизация қилишини тезлаштириш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек мамлакат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар учун ўта муҳим.

Айни вақтда ишлаб чиқилаётган 2019–2030 йилларда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш миллий стратегияси мазкур соҳада Жаҳон банки Гуруҳи ҳамда бошқа халқаро ҳамкорлар томонидан қўллаб-қувватланишга тайёр бўлган ислоҳотларни амалга ошириш учун асосий ҳужжатга айланиши лозим. Унинг қабул қилиниши ва кейинчалик ҳукумат томонидан амалга оширилиши юқорида тилга олинган чақириқларни мамлакатни ривожлантириш ва Ўзбекистон халқи фаровонлигини ошириш учун иқтисодий имкониятларга айлантиришга замин яратади. Ўзбекистон Республикаси



қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси соҳада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва инновацион технологияларни қўллаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, экспорт географиясини кенгайтиришдек устувор масалаларда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Azimjonovich R. I. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Epra International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) Impact Faktor: 7.032. Indiya. 2020 June. P. 161. – 2020. – Т. 163.
- 2.Azimjonovich R. I., Obidjonovich E. U. MAHALLA INSTITUTE-THE FOUNDATION OF CIVIL SOCIETY OF UZBEKISTAN.
- 3.Тожибоев У. У., Рахимов И. А. ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА //Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.
- 4.Рахимов И. А. ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ, КОТОРЫМ ВОСХИЩАЕТСЯ МИР //Современные научные исследования: тенденции и перспективы. – 2020. – С. 93-102.
- 5.Рахимов И. А. ОСНОВАНИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА МАХАЛЛА //Инновационное развитие современной науки. – 2021. – С. 32-37.
- 6.Рахимов И. А. ИЗ ИСТОРИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР ТУРКЕСТАНСКИХ МЕСТНЫХ ИНВЕСТОРОВ В КОНЦЕ 19 И НАЧАЛЕ 20 ВЕКОВ //Актуальные вопросы современной науки и практики. – 2020. – С. 111-115.
- 7.Raximov I. A. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 215-222.



8.Rakhimov I., Abdullayev S. UZBEK NEIGHBOURHOODS: HISTORY AND NOWADAYS

//Вестник Ошского государственного университета. – 2019. – №. 3. – С. 34-37.

9.Rahimov I. NEIGHBORHOOD DEMOCRATIC MATERIAL //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 31-34.

10.Рахимов И. А., Нурматов Л. О. Ў. КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ДЕМОКРАТИЯНИНГ БОШ МЕЗОНИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1068-1074.

11.РАХИМОВ И. А. ДЕЙСТВИЯ УЗБЕКИСТАНА В УРЕГУЛИРОВАНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В АФГАНИСТАНЕ //НАУЧНОЕ ЗНАНИЕ СОВРЕМЕННОСТИ Учредители: Индивидуальный предприниматель Кузьмин Сергей Владимирович. – №. 11. – С. 5-11.

12.Azimjonovich R. I., Nafisaxon A., Sitoraxon K. MUSTAQILLIK YILLARIDA KO 'P MILLATLI VA KOP KONFESSIYALI MAHALLALAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI // "Yosh Tadqiqotchi" jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-42.\

13.Abdumannonovich N. M. et al. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKİSTONNING SAY-XARAKATLARI //Yosh Tadqiqotchi Jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 69-74.

14.Rakhimov I. A. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKİSTONNING SAY-XARAKATLARI //Современные проблемы и перспективные направления развития науки. – 2021. – С. 9-17.

15.Рахимов И. А. ИНСТИТУТ МАХАЛЛИ КАК ОСНОВА МЕЖЭТНИЧЕСКОЙ ГАРМОНИИ //Science Time. – 2022. – №. 1 (97). – С. 30-33.

16..Мирзаев А. А. ЎЗБЕКИСТОНДА ГИД ТАРЖИМОНЛАР ЭТИКА СТАНДАРТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ //ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ. – 2019. – С. 81-84.



17.Эргашев У. О., Мирзаев А. А. СОДЕРЖАНИЕ ПОВЫШЕНИЯ ПОЗИТИВНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ В ДУХОВНОМ МИРОВОЗЗРЕНИЯ МОЛОДЕЖИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ //Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 62-63.

18.Мирзаев А. А. ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ ОБЗОР ТУРИСТСКИХ ВЫСТАВОК В УЗБЕКИСТАНЕ //Вестник Науки и Творчества. – 2022.

19.Nosirovna M. A. The role of suleymanov rustam khamidovich in the study of urban development of ancient period in uzbekistan //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 12-2 (145). – С. 85-87.

20.Maxmudova A. N. ALOUDDIN ATOMALIK JUVAYNIYNING “TARIXI JAHONGUSHOY” ASARI XORAZMSHOHLAR DAVLATI TARIXIGA OID MUHIM MANBA //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11. – С. 322-329.

21.Nosirovna M. A. Issues of history world civilization in the scientific research of rh suleymanov //Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2021. – №. 1-2. – С. 20-24.

22.Эргашов У. О., Нуридинов М. А. ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 212-215.

23.Эргашов У. О., Нуридинов М. А. РОЛЬ ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПОВЫШЕНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ И ПРАВОВОЙ ГРАМОТНОСТИ МОЛОДЕЖИ //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 44-48.